



Париждаги таникли коллеж Франция учун биринчи марта Куръони Карим тўғрисидаги ўқув курсини бошлашни эълон қилган.

Коллеж де Франс, Парижнинг илмий-ўқув муассасаси бўлиб, бир катор ўқув йўналишлари бўйича диплом тақдим этилмайдиган ўқув курсларини тақлиф этади, айти вақтда эса Инжил ва Куръонни ўрганиш курсларини ҳам бошламоқчи.

Янги ўқув курси ўқитувчиси Франсуа Дерошнинг айтишича: «Коллеж де Франс айти вақтда биринчи мартаба Инжил ва Куръонни ўрганиш дастурларини бошламоқда. Мен Куръонни яқинда Исломнинг илк асрларига оид манускриптларини тадқиқ этишим натижасида содир бўлган ходисалардан сўнг, кўриб чиқишни ният қилдим».

OnIslam.net нинг хабар беришича, Дерош араб манускриптлари бўйича мутахассис бўлиб, 2 апрелдан бошлаб «Куръон тарихи, унинг матни ва тарқалиши» ўқув курсида маъруза ўқийди.

Коллеж де Франс томонидан татбиқ қилинувчи кенг оммани жалб этиш ҳуқуқи қоидаларига асосан, хохловчилар мазкур ўқув курсларига аввалдан рўйхатдан ўтмасдан ташриф буюриши мумкин.

Normal 0 false false false RU X-NONE X-NONE

**Абу Асадуллох**

